

Акс- садо (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 2979

Рамзий кичик ёшли бола. Ҳар куни далада ишлайдиган отасига тушлик овқат ташийди. Бир куни узоқ тепаликдаги қоялар бағрида шакли ноаниқ бир нарсани кўрди. Шунда Рамзий у кўтарилиб турган тошни ўзига ўхшаган бир бола деб ўйлаб, “Бу ёққа кел”, деб бақирди. Қоялардаги тошлар орасидан ҳам “Бу ёққа кел”, деган овоз эшитилди. Рамзий акс-садо нима эканлигини билмасди. Шунинг учун тепаликда бир бола тошлар панасига беркиниб уни масхара қиляпти деб ўйлади. Рамзий яна шундай деб бақира бошлади: Менга ўзингни кўрсат, бўлмаса афсусланиб қоласан! Ҳалиги товуш ҳам “Менга ўзингни кўрсат, бўлмаса афсусланиб қоласан!” деб жавоб қайтарди.

Бутун вужудини ғазаб эгаллаган Рамзий яна бор кучи билан бақира бошлади: Чиқ бу ёққа, кўрқоқ! Яна худди шу сўзларни эшитгач тепаликка қараб то чарчагунича югура кетди. Тепаликда ҳеч кимни кўрмаган Рамзий бу мағрур бола бошқа жойда беркиниб турибди деб ўйлади. Ўша лаҳзада у бу болани тутиб олса унга кўп нарсаларни қилиши мумкинлиги, бу кўрқоқ болада унга кўриниш учун жасорат йўқ эканлиги қабилидаги тилига келган сўзларни айтиб қояларга тирмаша бошлади.

Бирдан Рамзийнинг эсига унинг кўпроқ ўйнаб қолиши натижасида отасининг қорни қаттиқ очиб уни пойлаб тургани тушиб қолди. Ахийри бу болани қидиришдан воз кечди. Далага етиб келганида отасига нима бўлганини гапириб берди. Отаси унга ушбу ҳикматли гапни эслатди: “Кимки фақат ўзи рози бўлган нарсаларни гапирса, ўзи норози бўладиган нарсаларни эштади”.

Агар Рамзий жанобимиз Расулulloҳ С.А.В. нинг ушбу ҳадисларини билиб олганида жуда яхши бўларди. У Зот шундай деганлар:

Кимки Аллоҳга ва Охират кунига ишонса фақат яхши гапни гапирсин ёки жим турсин! (Бухорий)